

Тазкия дарслари (5-дарс). Тасаввуф ва сўфийлик



10:01 / 31.10.2018 9222

«Сўфий» ва «тасаввуф» сўзларининг луғавий маънолари ҳақидаги тортишув уларнинг истилоҳий маъноси борасида ҳам да-вом этади.

Муҳаммад Юсуф Мусо таҳқиқ қилган «Ал-ақийда ваш-шарийъа фил Ислом» китобида зикр қилинишича, Никольсон ҳижрий бешинчи асргача битилган асарлардан тасаввуфнинг етмиш бешта таърифни топган.

Абдул Қоҳир Бағдодий ишончли тасаввуф қутбларининг таълифотларидан мингга яқин таърифни топган.

«Қавоидут-тасаввуф» китобида зикр қилинишича, машҳур тасаввуф шайхи Аҳмад Зарруқ раҳматуллоҳи алайҳи икки мингга яқин таърифни келтирган. Уларнинг ҳаммаси Аллоҳ таолога содиқ таважжух қилиш маъносидадир.

Аҳли тасаввуфнинг ўзлари унинг таърифидаги бундай хилма-хилликни яхшилик аломати деб билдилар. Замондош тариқат шайхларидан Мисрдаги «Ашийраи Муҳаммадия» тариқатининг бошлиғи, фазилатли шайх Муҳаммад Закий Иброҳим ҳазратлари бу ҳақда қуйидагиларни айтадилар:

«Тасаввуфнинг таърифидаги ихтилофга келсак, у кишиларнинг сулук даражаларидаги мартабаларига оиддир. Уларнинг ҳар бири ўз эҳсосини ўз мақомида таржима қилгандир. Бу билан ўзидан бошқанинг мақомига қарши чиққан ҳисобланмайди, чунки ҳақиқат биттадир. У катта боққа ўхшайди. Ҳар бир солиқ бир дарахтнинг остида туриб, ўша дарахтни васф қилгандир. Бу зинҳор, боғда бундан бошқа дарахт йўқ, дегани эмас. Таърифлар қанчалик ихтилофли бўлмасин, уларнинг барчаси покланиш ва тақво мартабасига етиб боради».

Тасаввуф ҳақидаги таърифлардан намуналар:

1. Шаръий одоблар ила зоҳирда туриб, унинг ҳукмини ботинда кўриш. Шунингдек, шаръий одоблар ила ботинда туриб, унинг ҳукмини зоҳирда кўришдир. Шунда одобланувчи учун икки ҳукм ила камол ҳосил бўлур.

2. У бир мазҳаб бўлиб, мақсади қалбни Аллоҳдан бошқадан холи қилиш, Холиққа ихлос ила ибодат қилиш ҳамда Ундан бошқасидан ажралиш ила руҳни қудсият оламига олиб чиқишдир.

3. Тасаввуф нафсни ахлоқий жиҳатдан тараққий эттирадиган ҳаётий фалсафа бўлиб, у муайян амалий риёзат воситасида ҳақиқатга айланади ва баъзи вақтларда олий ҳақиқатга сингиш ҳиссига олиб боради. Шунингдек, ундан завқ ва ақл ила маърифат ҳосил қилишга олиб боради.

4. Тасаввуф бир илм бўлиб, у ила нафснинг аҳволи – яхши ва ёмони, унинг ёмонини поклаш йўли, яхшисини зийнатлаш йўли, Аллоҳ таолога томон юриш кайфияти ва Унга томон қочиш услуби ўрганилади. Яъни Ўзидан бошқадан паноҳ сўрамаслик.

5. Тасаввуф – ҳар бир ёмондан холи бўлиш, ҳар бир яхшидан ибрат олиш ила қурбатга ва висолга эришишдир. У инсонни қайта бино қилиш ва уни ҳар бир фикр, сўз, иш, ниятда Робби ила боғлашдир.

Юқорида зикр этилган таърифлар билан бир қаторда «тасаввуф» сўзи ва унга боғлиқ лафзлар қадимги луғат илми усталари томонидан синчковлик билан ўрганилганини ҳам эслаб ўтмоғимиз лозим.

Жумладан, «Ал-мўъжам ал-васийт» номли луғат китобида бу ҳақда қуйидагилар келтирилган:

«Саввафа фулонан» – «фалончини сўфийлардан санади», дегани.
«Тасаввафа фулонун» – «фалончи сўфий бўлди», дегани.

Тасаввуф сулук тарзи бўлиб, унинг асоси нафс пок ва руҳ олий бўлиши учун содда ҳаёт ва фазилатлар ила зийнатланиб яшамоқдир.

Тасаввуф илми – сўфийлар эътиқод қиладиган нарсалар ва ўз жамоаларида ҳамда ёлғиз қолганларида ушлайдиган одобларидир. Сўфий – тасаввуф йўлига эргашган одамдир».

Энди сўфийнинг васфида келган таърифлардан энг машҳурларидан бирини келтирайлик.

Шайх Шихобуддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ас-Сухравардий раҳматуллоҳи алайҳи сўфийни қуйидагича таърифлайдилар:

«Сўфий ҳар бир нарсани ўз жойига қўядиган, вақтлар ва ишларни илм ила тадбир қиладиган, халқни ўз мақомига қўядиган, Ҳақнинг амрини ўз жойига қўядиган, беркитилиши лозим бўлган нарсани беркитадиган, очилиши лозим бўлган нарсани очадиган ва ишларни ҳузури қалб ила, сихҳати тавҳид ила, камоли маърифат ила, риояти сидқу ихлос ила ўз ўрнида адо этадиган шахсдир».

“Тасаввуф ҳақида тасаввур” китобидан